

ШАРТНОМА № 11

«29» 06 2022 йил

Данғара тумани

"OQJAR SIFAT SERVIS" МЧЖ номидан рахбари С.Ниёзов бундан буён бир томондан «Бажарувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан «Данғара туман Ободонлаштириш бошқармаси» номидан рахбар М.Холмирзаев низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Буюртмачи» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

Т/р №	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Етказиб бериш суммаси
1	Шлакоблок 20x40x20 см	дона	20 000	3 000	60 000 000

Маҳсулотнинг шартномавий умумий баҳоси 60 000 000 (олтмиш миллион) сум.
(рақамлар, езувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» Маҳсулотчун олдиндан, етказиб берилаётган Маҳсулотнинг 30 % микдорида пул ўтказиш йўли билан туловни амалга оширади.

IV. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний қўчга қиргандан сўнг Маҳсулотни 7(етти) кун муддат ичида «Буюртмачи»га етказиб бериши шарт.

V. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган Маҳсулотнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос қилиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Маҳсулотлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган Маҳсулот қисман етказиб берилмаса Буюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга ҳақли.

6.2. - Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган Маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га Маҳсулотни етказиб бериш;

- Тегишли даражада сифатли Маҳсулот бериш қилинганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган Маҳсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган Маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

- «Бажарувчи» етказиб берган Маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, Маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, Маҳсулотни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида Маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган Маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3(уч) кун ичида «Бажарувчи»ни огохлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда Маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган холда Махсулотни белгиланган муддатда етказиб берамаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмидан 0.5 % миқдорда «Буюртмачи»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори шартнома бажарилмаган қисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги Махсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 20 % миқдорда жарима тўлайди.

8.4 «Буюртмачи» олинган Махсулот учун туловни ўз вақтида амалга оширмасе кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органлари томонидан Махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан қопланади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги холатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай холатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунда огохлантириши шарт.

9.3. Огохлантириш хати (почта) орқали юборилади.

9.4. Агар баргараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмасе иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида хал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «29» июн дан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзолаганидан сўнг қонуний кучга қиради.

XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1, Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йул кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қелажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи етказиб берувчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради,

4, Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда кўйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йул кўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиш, қонунчилик жараёни ва бошқа сохаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад экаплиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига ноқонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа

мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлигини

яширишга; в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар Махсулотлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи етказиб берувчичилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукукшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга пул қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»
"OQJAR SIFAT SERVIS" МЧЖ

(етказиб берувчининг номи)

Манзил:

Тел./факс

х/в

Банк номи

МФО:

СТИР:

ОКОНХ:

«OQJAR SIFAT SERVIS» M.CH.J.
DANG'ARA tumani, KATTA-TURK qishlog'li.
Tel: (+99890) 343-33-35, (+99891) 146-12-21.
X/r: 20208000900216273001
QO'QON SHAHAR UNIVERSALBANK
MFO: 00973. IKN: 302584292. OKONX: 61110.

Раҳбар

C. Ha'izov
(имзо)
М.Ў.



«Буюртмачи»
Данғара тумани Ободонлаштириш
бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил : Данғара тумани

Чинобод кишлоғи

Тел./факс _ +99890-362-92-66

ш/хр : _____

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 206 940 997
ОКОНХ _____

Газначилик бўлини маси номи Данғара тумани
Газначилиғи

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш
ХККМ

МФО _00014

газначилик бўлини маси СТИРи 201122919

Раҳбар

M. Xolmirzaev
М.Холмирзаев





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy
Tel. (998 73) 572 17 78, el. pochta dangara-t-yurmarkaz@adliya.uz

“ 29 ” iyun 2022 yil.

Dang'ara tumani Obodonlashtirish
boshqarmasiga

**YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

XO'JALIK SHARTNOMASI № 11-sonli 29.06.2022 yil.

2. Loyihaning nomi:

**“OOJAR SIFAT SERVIS” MCHJ tomonidan Dang'ara tumani obodonlashtirish
boshqarmasiga 60.000.000 (oltmish million) so'mlik 20.000 (yigirma ming) dona
20x40x20 sm.li Shlakoblok qurilish maxsulotini yetkazib berish to'g'risida.**

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang'ara tumani Obodonlashtirish boshqarmasi.

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi handa O'zbekiston Respublikasi Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunlari asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunlari asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti



B.Ergashev

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

«29» 06 2022 йил

№ 1 сон

Данғара тумани

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Данғара тумани

Ободонлаштириш бошқармаси

Рахбар Д. Холмирзаев



Данғара тумани Ободонлаштириш бошқармасига қаршли қабристонларга шлакоблок сотиб олиш учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида

Раислик қилувчи: комиссия раиси:

Х. Сайдалиев

Қатнашдилар:

1. У. Тоқиев

2. Ё. Қуръонматов

3. М. Исмаилов

4. Х. Раҳмонова

Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:

Данғара тумани Ободонлаштириш бошқармасига қаршли қабристонларга шлакоблок сотиб олиш учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Данғара тумани Ободонлаштириш бошқармасига қаршли қабристонларга шлока блок сотиб олиш учун ўтказилган электрон элонга раислик қилувчи Х.Сайдалиев сўзга чиқиб, ушбу эълон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтканлигини айтиб ўтди.


Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олибган ҳолда йиғилиш хайъати:

Қарор қилади.


1. Муҳокама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан эътирозлар ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб "OQJAR SIFAT SERVIS" МЧЖни йиғилиш хайъати ғолиб деб эълон қилсин.


2. Ғолиб деб топилган қатнашчи "OQJAR SIFAT SERVIS" МЧЖ билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.


Комиссия раиси:



А. Fayzullayev

Комиссия азалари:


U. Muxomedov


E. Quliyev


M. Yusupov


X. Raxmonov